Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг
2019 йил 27 сентябрдаги 438-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**ШНК 2.01.20-16 “Сейсмик ҳудудларда транспорт иншоотларини қуриш”га**
№1-сон ЎЗГАРТИРИШ

**1.** 6.3 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6.3. Тиркама деворлар, шу жумладан уларнинг остидаги пойдеворлари, фақатгина пойдеворларнинг таянч қисми (подошваси) 1,5 м дан чуқур бўлмаган ҳолларда секцияларга бўлинади.

Деформация чокларини бажариш билан бирга секциялар узунлигининг чекланиши температура чоклари билан мутаносиб равишда қабул қилиниши лозим. Бунда секциялар узунлиги жойнинг топографик шарт-шароитлари, замин асосининг тавсифлари, қурилиш жойининг сейсмик ва ҳарорат шароитлари ҳамда тўсиқли иншоотлар (йўл, гидротехник, транспорт) конструкцияларга қараб ўзгартирилиши мумкин”.